

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

17 сентябрь, сешанба, 1996 йил
Сотувада эркин нархда. № 190 (1442)


ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 сентябрь кунин Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларни бошқаларга намуна бўлувчи экани, икки мамлакатнинг талай халқаро муаммоларга муносабатида уйғунлик мажбуриятини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари мавжуд ютуқларни янада мустақамлаш йўлидан боришимиз лозимлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.




Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди. Урашувда Украина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Президенти



Ислам Каримов шу кунин Германия Федератив Республикасининг «Дойче банк АГ» банки бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни ҳам қабул қилди. Ислам Каримов мамлакатимиз билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар тобора юксалиб



бораётганини, Европадаги бу ривожланган давлат Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорига айланганини таъкидлади. — Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиши «Дойче банк» муносиб ҳисса қўлимоқда, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари. Дарҳақи-

қат, жаҳондаги йирик молиявий муассасалар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган бу обрўли банк ҳамкорликдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш орқали мамлакатимиз билан манфаатли шериклик қиломоқда.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан «Дойче банк АГ» ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда маблағ билан таъминлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажаонов, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Урашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан «Дойче банк АГ» ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда маблағ билан таъминлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажаонов, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Урашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. С. Зуфаров олган суратлар.

ЯНГИ «ЛОЧИН» ПАРВОЗИ

Мамлакатимиз самолётсозлик саноатида яна бир муҳим қадам ташланди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «ИЛ-114 Т» юк самолёти синов учушидан муваффақиятли ўтди.

Бирлашма жаҳондаги стақчи самолётсозлик корхоналаридан бирига айланб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «ИЛ-76», «ИЛ-114» русумли самолётларга қизиқиш тобора ортмоқда. Ўзбекистонлик самолётсозлар Россия, Франция, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Германиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани ижобий натижалар бермоқда. Янги «Лочин»нинг парвози ҳам шундан дарак бериб турибди.

Янги самолёт синов учушида республика Бош вазири Ҳ. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов ва бошқа расмий кишилар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

ХИТОЙ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимномаси бўлиб ўтди. У «Халқаро маданият» ноширлик корпорацияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Пекиндаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Нашириёт бош директори Ван Хуншэн корпорация фаолияти ҳақида гапириб, у чет эл иқтисодий-сиёсий алаббети ва жаҳон маданияти асарларини, шу жумладан, философия, сиёсатшунослик ва иқтисодий соҳасидаги китобларни хитой тилига таржима қилишга ихтисослашганини айтиб ўтди. Президент Ислам Каримов китобининг нашр этилиши хитойлик ўқувчиларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётганини билан изоҳлади. Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзяминнинг шу йил июль ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида мазкур китобни хитой тилига ўғитириш қарор қилинган эди. Ана шу ташриф аяқлари ўзбек-хитой муносабатлари барқарор ривожланиётганидан, икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражасидан далолатлар.

Тақдимномада сўзга чиққан ХХР иқтисодий фанлар академияси шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори, профессор Чжан Вэнь у нутқида Президент Ислам Каримов китобининг хитой тилида нашр этилиши иқтисодий-сиёсий ва илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўзлади. Бу китоб ҳозирги Ўзбекистон тараққиёти муаммоларини ўрта-наётган хитой олимлари учун жуда қўл келадиган ва кенг қўлдан кўрилган асосий асар бўлади, деб таъкидлади.

— Ўзбекистонни биз жаҳонда энг йирик пахта етиштирувчи мамлакатлардан бири сифатидагина эмас, балки замона-

вий юксак технологияли саноат маҳсулотлари экспортчиси сифатида ҳам яхши биланамиз, — деди «Лочин» иқтисодий ва техник ҳамкорлик давлат компанияси бош директори муовини Ян Цзюньин. Бу компания орқали Ўзбекистон Хитойга ИЛ-76 самолётларнинг катта партияси ва унга эҳтиёт қисмларини етказиб беради. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган самолётларнинг фойдаланишдаги қулайликларини ҳисобга олиб, компания ана тўғрисида шундай самолёт сотиб оlishга қарор қилди. Ҳозирги пайтга қадар ортқ хитойлик мутахассислар Тошкентда ушбу самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича тайёргарликдан ўтмоқда.

Тақдимнома ҳақидаги хабарлар ХХР оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Хитой марказий рӯномаси «Жэньминь жибао» шундай деб ёзи: «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» китобининг хитой тилида нашр этилиши Хитой халқининг мустақил Ўзбекистон ҳақидаги билимларини кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тақдимнома маросимида ХХР Ташқи ишлар вазири муовини Ван Инфан, ХКП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлими мудирининг муовини Лю Цзининг, бошқа расмий кишилар, ишбилармон донорлар вакиллари, илмий ва ижобий жамоатчилик вакиллари ҳамда Хитойдаги хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

«Жаҳон» Ахборот агентлиги

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко 16 сентябрь кунин Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов билан учрашди.

Урашувда Ўзбекистон билан Украина ўртасида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, жумладан, коммуникация соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, икки мамлакат ўртасида транспорт қатновини йўлга қўйиш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустақамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Сўхбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Урашувда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

16 сентябрь кунин мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйига ташриф бурди.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Украина Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон ва Украина ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Геннадий Удовенко имзо чекиди.

Маросимда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

МАЎНАВИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошқаруви ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Унда Президент Фармони асосида маънавиятнинг, неча минг йиллик урф одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш ҳамда янада ривожлантириш, уларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни марказ раҳбари Н. Аминов очди.

Сўзга чиққанлар юртбошимизнинг марказ раҳбарияти ва бошқарув аъзолари билан ўтказган бевоқиф мулоқоти ҳамда бу борада чиқарган Фармони халқимиз томонидан зўр қониқиш билан қутиб олинганини таъкидлади. Кенг жамоатчилик вакиллари «Маънавият ва маърифат» марказига келиб ўзларининг бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларини баён этаятгани, маънавий тарғибнинг асосий йўналишларини белгилаш бўйича ўз таклифларини ўртага ташлаётгани бунинг яққол мисолидир.

Йиғилишда мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, марказнинг жойлардаги бўлимлари ишини янада жонлантириш, олий ўқув юрталари дастурига маънавият дарсларини киритиш, услубий алаббеларнинг нашр этиш, маънавий қунарли ўтказишни анъаналарга айлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎЗА).

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИЧА ЖАРАЁН

«Ўзбектуризм» миллий компаниясида 16 сентябрь кунин МДХ давлатларининг сайёҳлик бўйича давлатларо кенашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқаро сайёҳлик ташкилотлари ва ҳарбийлик давлатларида фаолият кўрсатган йирик сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида МДХ ўшарлик сайёҳликни янада ривожлантириш, халқаро ўртасидаги анъанавий бориш-келишни тизими ҳамда бу борадаги ҳамкорликни мустақамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлис иштирокчиларининг сайёҳлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ва ютуқлар тўғрисидаги муаразалари тинилди.

— Ўзбекистон «Буюк йил» бўлиб сайёҳлик дастурини амалга ошириш бора-сида катта ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлаш керак, — деди Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа мамлакатлари бўйича вакили Питер Шексфорд. — Сунти

Йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро замонавий меҳмонхоналарнинг очилгани, қолаверса, «Интер континентал», «Ля меридиан», «Холден ИИН» каби жаҳонга машҳур туристик компаниялар Ўзбекистонда замонавий меҳмонхоналар барпо этишга киришгани, шубҳасиз, бу ерда сайёҳликни ривожлантиришда янги жараён бошланганидан далолатлар.

Мажлисида сайёҳликни ривожлантириш бўйича давлатларо кенаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳа мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, халқаро сайёҳлик — спорт йиғилишида мазкур кенаш ҳолида кузгунчи мақомини беришга қарор қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎЗА)

ОҚ ЙЎЛ, УЧ ОҒА-НИ «БОТИРЛАР»!

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналарининг Марказий Осиё халқа йўли бўйлаб автопойгаси старт олади.

Асакадаги «ЎзДЭУавто» ўзбек-корейс қўшма корхонаси тамгаси биланган «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари ортқича таъриф-таъсифга муҳтож эмас. Улар юқори сифатли, рақобатбардошлилиги ва буюк техник кўрсаткичлари билан қисқа вақт ичида харидорлар меҳрини қозониб улгурди. Шу туфайли ички бозорни аста-секин забт этиб, ўзига-ўзи йўл очмоқда.



Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Харидор ўзи қўрган, қузатган ва ишонган нарсасига пул тўлайди. Яширишга ҳожат йўқ: Асака машиналарининг баъзи хусусиятлари ҳозирча кўпчиликка номалум. Бу машиналар амалда қандай ишлайди? Узоқ ва машаққатли йўл шaroитларига дош берадими? Бошқарув учун қулайми? Ҳаракат жараёнидаги тезлиги, тормозлиниши ва ниҳоят, ёнлиги сарфи қандай?

Буларни билиш машина сотиб олиш тарафидан юрган кишилар учун жуда муҳим, албатта. Минг эшитганидан бир қурган афзал-да. Зеро, машина сез-зийнат эмас, балки инсон муш-мумкинки, бу масофа авто-пойдан кузланган мақсадга тўла мос тўшади. Гурӯх Тошкентдан чиқиб, Жиззах ва Самарқандга қараб ҳаракатланади. Томошабинлар автопойга қатнашчиларини қадимий Бу-лоқда, Хива, Шаҳрисабз қула-ларида учратишлари ва дилдан сўхбатлашишлари мумкин.

Шундан сунг сафар манзили Марказий Осиё давлатларига кўчари: Чоржўй, Хўжанд, Үш, Бешкек, Жамбул, Алматы... Умуман, автопойга гуруҳининг вақти ҳам, иш режаси ҳам тингиз. Шаҳар ва қишлоқларда «ЎзДЭУавто» қўшма корхона-си фаолияти, бу ерда ишлаб чиқарилаётган машиналар ҳақи-да жонли сўхбатлар ўткази-лиш, янги автоуловларнинг техник ва иқтисодий афзал-ликлари юзасидан харидорлар-га зарур маълумотлар бериш, уларни кенг тарғиб қилиш ре-жалаштирилган. Энг муҳими, бу мулоқотларда корхонанинг етуқ ва тажрибали мутахассис-лари фаол иштирок этишлари.

Мамлакатимиз дунёда кат-та маъқега эга бўлган ДЭУ ком-панияси билан ҳамкорлик қилиб, кам бўлгани йўқ. Бунинг бирин-чи ноботи сифатида шунинг ай-

UZINFO MARKA DUNY: ENG SUNGKI VOKEALAP

БАНК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Британиядан чиққан «Таймс» газетасининг ёзишига қараганда, Швейцария ҳукумати иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистар Германияси билан алоқада бўлганлиги ҳақида ололат берувчи банк ҳужжатларини кенг жамоатчиликка билдириш ҳақидаги декретни эълон қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Бу ҳужжатлар ўрганиш учун махсус комиссияга топширилади. Ҳужжатларни эълон қилишга қаршиллик кўрсатганларни қамқоқ жазаоси ёки 50 минг Швейцария франки микдорига жарима қўймоқда. Кейинги пайтларда уруш йилларида юқори мансабни фашистар мои-мулки мусодалари қилинган ва босиб олинган мамлакатлардан таланган бойликларни яшириш банк ҳисобларига қўйиб ўрнудан кейин эса ушбу маблағларни фашишани қайта тирилтириш учун сарфламоқда, деган миш-мишлар Швейцария ҳукуматини ана шундай қад-дам қўйишга мажбур қилган.

САЙЛОВЛАД ҚУРАШИ АВЖ ОЛМОҚДА

АҚШда президентлик учун сайлов-ди кураши кун сайин авж олмоқда.

«Дэйли Телеграф»ни ёзишича, республикачи-лар партиясидан номзод Боб Доул ўзининг кейин-ги 50 йил ичида қасалликлар тарихини эълон қилган. Ва у Ўш Клинтонни худди шундай қи-лишга қармоқда. Оқ уй мавмурияти эса ҳозир-ча бундай қадамдан тийилиб турибди.

ПРЕЗИДЕНТ ЮРАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛАРДА

«Вашингтон-пост» газетасида чиқ-қан мақола «Елчининг юраги ишонч-ли қўларда», деб номланган.

Газета Президент юраги операция қилинган-дан қардилоқлик марказ ҳақида хикоя қилди. Россия соғлиқни сақлаш тизимининг барча камчи-ликларига қарамасдан кейинги 20 йил ичида маз-кур қардилоқлик маркази ўзининг юқори малакаи-ни мутахассислари билан шухрат қозонди, деб ёзи-ди газета. Шу билан бирга мақола мусоасалари ир-тин олийк иш ҳақи 75 АҚШ долларини, бироз-мақоли мутахассисиники эса 150 долларни таш-кил қилди.

Факт ва шарҳ

Халқ хўжалиги куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрми?

Мамлакатимиз халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шу жўдани олиб қараганда, Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш ларида ишлашга тайёрлашни бориши тўғрисида» қарори мўдм илжиямоний аҳамият-га эга.

Қарорда қўпгина вилоятлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концентрал, манфатар ташкилотлар бўйича бу борада қонидириш иш-лари билири. Шу жўдани олиб қараганда, Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш ларида ишлашга тайёрлашни бориши тўғрисида» қарори мўдм илжиямоний аҳамият-га эга.

Қарорда қўпгина вилоятлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концентрал, манфатар ташкилотлар бўйича бу борада қонидириш иш-лари билири. Шу жўдани олиб қараганда, Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш ларида ишлашга тайёрлашни бориши тўғрисида» қарори мўдм илжиямоний аҳамият-га эга.

Қарорда қўпгина вилоятлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концентрал, манфатар ташкилотлар бўйича бу борада қонидириш иш-лари билири. Шу жўдани олиб қараганда, Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш ларида ишлашга тайёрлашни бориши тўғрисида» қарори мўдм илжиямоний аҳамият-га эга.

«Халқ сўзи» шарҳовчиси

